
Тадбиркорлар ва аҳоли истеъмолчиларига муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга бағишланган семинар ташкил этилди
Қайта тикланувчи муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Семинарда муқобил энергия соҳасида фаолият олиб бораётган компания вакиллари таклиф этилди. Семинар қатнашчилари ўз навбатида компания вакилларида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Бугунги кунда мазкур компаниялар томонидан таклиф этилаётган қурилмалар ишлаш самарадорлиги, сервис хизматлари ва давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Семинар давомида бугунги кунда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб даромад топаётган тадбиркор ва аҳоли вакиллари қайта тикланувчи энергия манбалари орқали даромад топаётганликлари қайд этилди.

Семинар сўнгида туманда фаолият олиб бораётган бир қатор тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзларига қулай бўлган компаниялар билан шартномалар имзоланди.





2024-08-09 15:00:15